

Президентлар китоблар кўргазмаси билан танишди



Музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Туркменистон раҳбарининг китоблари - илмий асарлари кўргазмаси билан танишди.

Ушбу китоблар мамлакатимиз илмий-академик доиралари ва ижодий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотганини таъкидлаш лозим. Мазкур ташриф арафасида Гурбангули Бердимухамедовнинг қатор китоблари - “Бахтли ҳаёт соғлиқдан бошланар”, “Маданият - халқнинг бебаҳо хазинаси”, “Барҳаёт афсона”, “Чой – шифо ва руҳий қувват манбаи” номли асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилган эди.



Давлатимиз раҳбари Туркманистон Президентига мамлакатимизда чоп этилган Гурбангули Бердимухамедов китобларининг илк нусхаларини совға қилди.



Манба